

Аллоҳ таоло учун сизни фалокатга учратиш ҳеч гап эмас



19:00 / 05 июнь 828

بَرِّبِكَ وَكَفَى سُلْطَنٌ عَلَيْهِمْ لَكَ لَيْسَ عِبَادِي إِنَّ

وَكَيْلًا ٦٥

«Албатта, бандаларим устидан сенинг ҳукмронлигинг йўқ. Роббинг Ўзи вакилликка кифоядир» (Исро сураси, 65-оят).

Кимки Аллоҳга ҳақиқий банда бўлса, қалби Аллоҳга иймон ила тўлиб-тошган бўлса, банда Роббига ибодат ила банд бўлса, ундай бандага шайтоннинг ҳеч қандай таъсири йўқ. Шайтон ҳеч қачон ундай бандани

бўйсундира олмайди.

«Роббинг Ўзи вакилликка кифоядир».

Унинг Ўзи шайтоннинг васвасасидан сақлайди, ундан ғолиб келишда бандага ёрдам беради.

Лекин, айна чоғда шайтоннинг васвасасига учадиган, унинг йўлига юрадиган, Аллоҳнинг йўлидан юз ўгирадиган бандалар ҳам бор.

مِن لِّتَبَّغُوا الْبَحْرَ فِي الْفُلِّ لَكُمْ يُرْجَى الَّذِي رَبُّكُمْ

رَحِيمًا بِكُمْ كَانَتْ إِنَّهُ فَضْلِهِ ٦٦

«Роббингиз Унинг фазлидан талаб қилишингиз учун денгизда кемани юргизиб қўйган Зотдир. Албатта, У сизга ўта раҳмлидир»
(Исро сураси, 66-оят).

Аллоҳ таоло бандаларига меҳрибон бўлгани учун ҳам уларга турмуш ўтказишни осонлаштириб беради. Масалан, денгизда кемаларни юргизиб қўяди. Бу иш ҳам Аллоҳнинг бандаларига меҳрибонлик ила ато қилган улкан неъматларидандир.

نَجِّكُمْ فَلَمَّا إِيَّاهُ إِلَّا تَدْعُونَ مَنْ ضَلَّ الْبَحْرَ فِي الضُّرِّ مَسَّكُمْ وَإِذَا

كُفُورًا الْإِنْسَانُ وَكَانَ أَعْرَضْتُمْ الْبِرِّ إِلَى

٦٧

«Қачон сизни денгизда фалокат тутса, Ундан ўзга илтижо қиладиганларингиз ғойиб бўлур. Қачонки сизга нажот бериб, қуруқликка чиқарса, юз ўгирасиз. Инсон ўзи ношукрдир» (Исро сураси, 67-оят).

Аллоҳ таоло бандаларга ҳаёт кечириб осон бўлиши учун меҳрибонлик ила денгизда кема юргизиши катта неъмат эди. Бандалар бу неъматга қанчалар шукр қилсалар, шунча оз эди. Аммо улардан баъзилари ношукр бўлиб, Аллоҳнинг йўлидан тойиб, шайтоннинг йўлидан юрадилар. Ўзларига Аллоҳдан ўзгани валинеъмат тутадилар. Энди, борди-ю, Аллоҳ берган неъматдан фойдаланиб, денгизда кемага миниб кетаётганларида, фалокат юз бериб қолса, ўзларини бошқача тутадилар:

«Қачон сизни денгизда фалокат тутса, Ундан ўзга илтижо қиладиганларингиз ғойиб бўлур».

Денгизда фалокатга йўлиқиш қуруқликдаги фалокатга қараганда таҳликалироқ бўлади. Ўзига хос қўрқинч ва талвасалари бор. Шунинг учун ҳам денгизда фалокатга йўлиққан одам, ким бўлишидан қатъи назар, дарҳол бевосита Аллоҳ таолога илтижо қила бошлайди. Агар кофир бўлса ҳам, Аллоҳга ёлвориб, мадад сўрайди. Мушрик бўлса, сохта худоларини қўйиб, биру бор Аллоҳнинг Ўзига ёлворади.

«Қачонки сизга нажот бериб, қуруқликка чиқарса, юз ўгирасиз».

Фалокат вақтида ёлғиз Аллоҳга илтижо қилган банданинг ношукрлиги фалокатдан қутулганидан кейин юзага чиқади. Аллоҳ таоло унга нажот бериб, фалокатдан қутқариб, қуруқликка чиқарса, банда ҳеч нарса

бўлмагандай, аввалги ҳолича қолиб, Аллоҳнинг йўлидан юз ўгириб кетаверади. Фалокатдан қутулганидан кейин қўрқинчли ҳолини унутади. Аллоҳни ҳам ёддан чиқаради.

«Инсон ўзи ношукрдир».

Булардан иймони борлар мустасно, улар доимо Аллоҳнинг неъматига шукр этиб, доимо ибодатида собитқадам бўладилар. Кофирлар кофирлигича қоладики, келаси оятда ана шундай ношукрларга хитоб қилинади:

عَلَيْكُمْ يُرْسِلَ أَوَّلَ الْبَرِّ جَانِبَ بَيْتِكُمْ يَخْشَفُ أَنْ أَفَأَمِنْتُمْ

وَكَيْلًا لَكُمْ تَجِدُوا لَا تَمَّ حَاصِبًا ﴿٦٨﴾

«Сизни қуруқликнинг бир томонига ютдириб юборишидан ёки устингиздан тошли шамол юборишидан, сўнгра ўзингизга қутқарувчи топа олмай қолишингиздан хотиржаммисиз?!» (Исро сураси, 68-оят).

Эй ношукр бандалар, денгизда фалокатга учраганингизда қўрқиб кетиб, фақат Аллоҳга илтижо қилган эдингиз. Энди, У сизни қутқарганидан кейин, қуруқликка чиқиб олиб, юз ўгириб кетишингиз нимаси? Ёки ер юзида Аллоҳнинг фалокатига учрамайман, деб хотиржаммисиз?! Сувда фалокатга учратган Аллоҳ қуруқликда ҳам фалокатга учратишга қодир. Ёки У

«Сизни қуруқликнинг бир томонига ютдириб юборишидан...» хотиржаммисиз?!

Ерга ютдирмаса, бошқа фалокатга ҳам учратиши мумкин. Ана ўшандай фалокатларга учрашдан ҳам хотиржаммисиз?! Мисол учун, Аллоҳ устингизга шамол йўллаб, тош ёғдира олмайдими?! Хотиржам бўлишга асло ҳаққингиз йўқ. Аллоҳ фалокатларини юборганида, сиз ўзингиз учун

қутқарувчи топа олмай қоласиз. Аллоҳ таоло учун сизни фалокатга учратиш ҳеч гап эмас.

Тафсири Ҳилол» китоби асосида тайёрланди